

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 29 » январь 2020 у.

№ 39

Toshkent sh.

**Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат
мигрантларнга кўп квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиши чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида” 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларининг уй-жой шароитини яхшилаш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди**:

1. Куйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида” 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон Фармонига асосан:

уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг ижроси доирасида кўп квартирали уйлардан 3 462 та хонадон ажратилиши;

2021 йил ва кейинги йилларда уй-жойлар қуриш параметрларини шакллантиришда уларга уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантлари учун кўп квартирали уйлардан хонадонлар киритилиши белгиланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити механизmlарини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармонига мувофик куйидагилар:

2-иловага асосан 2020 йил шаҳарларда янги тартибга мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва субсидиялар тўлашнинг мақсадли мўлжаллари;

7-иловага асосан 2020 йилда “Кишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ иштирокида кишлоқ жойларда кўп квартирали арzon уй-жойлар қуришнинг асосий параметрлари;

8-иловага асосан 2020 йилда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК” МЧЖ иштирокида шаҳарларда кўп квартирали арzon уй-жойлар қуришнинг асосий параметрлари тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилаб кўйилсинки:

а) мақсадли давлат дастурлари доирасида “Кишлоқ курилиш инвест” ИК” МЧЖ ҳамда “Ўзшаҳар курилиш инвест” ИК” МЧЖ иштирокида куриладиган уй-жойлар бўйича:

меҳнат мигрантларига уй-жойлар ҳарид қилиш учун ипотека кредитлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон Фармони шартларига мувофиқ ажратилади;

меҳнат мигрантлари томонидан уй-жойлар ҳарид қилинишида бошланғич бадал миқдорини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 йилда кишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар ва шаҳарларда арzon кўп квартирали уйлар куриш дастурларини амалга ошириш механизmlарини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 18 июлдаги ПҚ-3863-сон карори асосида белгиланган шартлар тагбик этилади;

туман (шаҳар)ларда кўп каватли уйлар курилиши белгиланмаган бўлса ёки ажратилган уй-жойлар сонидан кам талабгорлар мавжуд бўлса, талабгорлар кўп бўлган туман (шаҳар)ларга белгиланган тақсимотга, истисно тариқасида, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли карори билан ўзгартириш киритилади;

б) бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари оркали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида меҳнат мигрантлари томонидан уй-жойлар ҳарид қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити механизmlарини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармонига мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари фаолиятини мувоифлаштириш бўйича республика кенгаши билан биргаликда ҳар йили 1 июнга қадар уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига талаб этиладиган уй-жойларнинг рўйхатини шакллантириб, уй-жойлар курилиши бўйича келгуси йилга мўлжалланган давлат дастурларига белгиланган тартибда киритиш учун Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларининг уй-жой билан таъминланишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари – транспорт вазири А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – молия вазири Ж.А.Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “29” январдаги
39-сон қарорига
илова

**Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжданд меҳнат
мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжданд меҳнат мигрантларига “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК” МЧЖ иштирокида мақсадли давлат дастурлари доирасида (кейинги ўринларда дастурлар деб аталади) қурилган кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш, шу жумладан ипотека кредитлари олиш хукуқига эга талабгорларни саралаб олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ариза берувчи – “labor migration” дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган, ариза берган уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжданд меҳнат мигранти ёки унинг номидан оила аъзоси;

ёзма тавсия – уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида дастурларда иштирок этиш учун ариза берувчига талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан бериладиган ёзма тавсия;

ижтимоий мезоилар – талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан талабгорларни танлаш ва дастурларда иштирок этишда уларнинг ижтимоий устуворлигини белгилаш учун фойдаланиладиган ариза берувчиларнинг ижтимоий ва уй-жой шароитларининг асосий кўрсаткичлари;

нижинирииг компанияси – дастурлар доирасида арzon уй-жой қуриш учун уй қурувчи билан тузилган шартнома бўйича буюртмачи функциясини бажарувчи “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК” МЧЖ;

иштирок этувчи тижорат банклари – дастурлар доирасида уй-жойлар қуришни молиялаштиришда иштирок этувчи тижорат банклари;

рўйхат – уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида дастурларда иштирок этиш учун ариза берувчилар орасидан талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан тасдиқланган уй-жойга муҳтож талабгорлар рўйхати;

талабгорларни танлаш бўйича комиссия – талабгорларни танлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Ариза берувчи-уй қурувчининг 2017 – 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 9 февралдаги 103-сон ҳамда “Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оиласарга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарорлари билан тузилган худудий комиссияларнинг таркибиға киритилган аъзолардан иборат комиссия;

талабгор – уй-жой бериш учун талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг рўйхатига киритилган ва уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигранти ёки унинг номидан оила аъзоси;

уй-жойлар – дастурлар ижроси доирасида қўшимча муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма билан биргаликда комплекс холда курилган кўп қаватли уйларнинг хонадонлари;

уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантлари – уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ва консуллик муассасалари ҳамда ваколатхоналарида ишловчи шахслар бундан мустасно.

3. Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантлари учун дастурлар доирасида курилаётган арzon уй-жойлар имтиёзли ипотека кредити асосида ҳар йили туман (шаҳар)лардан белгиланган тартибда ажратилади.

4. Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг ёзма тавсиялари асосида ариза берувчиларга дастурлар ижроси доирасида уй-жой ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ажтилади.

2-боб. Уй-жой бериш учун аризаларни қабул қилиш, талабгорларни танлаб олиш ва уларга ёзма тавсиялар бериш

5. Ариза берувчи талабгор сифатида ёзма тавсияни олиш учун талабгорларни танлаш бўйича комиссия раисига доимий яшаш жойи бўйича ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ шаклда хужжатлар ва сўровнома-аризани (кейинги ўринларда ариза деб аталади) тақдим этади.

6. Ариза берувчи талабгорларни танлаш бўйича комиссияга тақдим этиладиган хужжатларнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

7. Ариза талабгорларни танлаш бўйича комиссия раисининг қарори билан тайинланадиган ваколатли шахс томонидан рўйхат асосида қабул қилинади, қабул қилинган аризанинг нусхасига қабул қилинган сана тўғрисида белги кўйилган холда ариза берувчига тилхат билан топширилади.

8. Аризалар ҳисоби ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ алоҳида рўйхатдан ўтказиш журналида (кейинги ўринларда журнал деб аталади) юритилади. Журнал ракамланган, ип ўтказиб тикилган ва талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг ваколатли шахси томонидан муҳрланган бўлиши керак.

Ҳар бир аризага журналда такоррланмайдиган рўйхатдан ўтказиш рақами берилади. Аризалар журналга кетма-кетликда, уларнинг олинишига қараб киритнилиши талаб этилади.

Аризани дастлаб журналда рўйхатдан ўтказмасдан кўриб чиқиши тақиқланади. Талабгорларни танлаш бўйича комиссия аризаларни журналда қайд этилган кетма-кетликка (навбатга) қатъий риоя қилган холда кўриб чиқиши шарт.

9. Ариза ариза берувчиларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд мөхнат мигрантлари тоифаси эканлигини аниқлаш мақсадида талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан ушбу Низом талабларига мувофиқлиги юзасидан дастурларда иштирок этиш учун ариза тақдим этилишининг охирги санаси тугаган кундан бошлаб 15 иш куни ичида кўриб чиқилади.

Дастурларда иштирок этиш учун ариза тақдим этилишининг охирги санаси тугагандан кейин тақдим қилинган аризалар қабул қилинмайди.

10. Талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан аризани кўриб чиқишида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд мөхнат мигрантлари куйидаги ижтимоий мезонлар асосида аниқланади:

а) ариза берувчидан мулк хукуки асосида турар жойнинг йўқлиги, турар жойда ижара шартларида яшаши ёки мулк хукуки асосида турар жойнинг яшаш учун яроқсизлиги;

б) бошқа оила (оилалар) билан бир уйда (бир хонадонда) яшаши;

в) кўп болалилик (уч ва ундан ортиқ);

г) ариза берувчи оиласининг даромади;

д) ижтимоий хусусиятига кўра, оиласида алоҳида хонада яшаши керак бўлган (сил, тери-таносил касалликларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг йирингли яллигланиши, псориаз) bemor (эри, хотини, фарзандлари, ота-онаси) (туман (шахар) тиббиёт бирлашмасининг хулосаси асосида) мавжудлиги;

е) ариза берувчининг оила аъзолари (эри, хотини, фарзандлари, ота-онаси) орасида биринчи гурух ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

ж) ариза берувчи уй-жой майдонининг конун хужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв метрдан кам бўлмаган, курси-коляскадаги ногиронлар учун 23 кв метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;

з) ёлғиз ўзи икки ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандларни тарбиялаётган уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд мөхнат мигрантлари.

11. Талабгорларни танлаш бўйича комиссия белгиланган муддат ичида ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлигини аниқлашда, ушбу Низомга 5-иловага мувофик унинг ижтимоий устуворлигини белгилайди.

Бунда ариза берувчиларнинг уй-жойга муҳтоҷлиги даражаси талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан қўйиладиган баллардан келиб чиқиб аниқланади ва ёзма тавсия, биринчи навбатда, энг юқори балл тўплаган ариза берувчиларга берилади.

Ариза берувчининг уй-жой шароитларини ўрганиш ва ижтимоий устуворлигини белгилаш яқунлари бўйича ариза берувчидан уй-жой шароитларини яхшилашга бўлган эҳтиёж амалда мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида текшириш далолатномаси ижтимоий устуворликни белгилаш яқунлари бўйича олинган балларни кўрсатган холда, талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан ушбу Низомга 6-иловада белгиланган шаклда тузилади. Текшириш далолатномаси икки нусхада тузилади ва унинг бир нусхаси имзо қўйдирилган холда ариза берувчига берилади.

12. Аризани кўриб чиқиш ва уй-жой шароитларини ўрганиш натижасида талабгорларни танлаш бўйича комиссия ёзма тавсия бериш ёки ёзма тавсия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Агар ёзма тавсия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ариза кўриб чиқилгандан сўнг бир иш куни мобайнида ариза берувчига ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шаклда ёзма тавсия берилади.

Агар ёзма тавсия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ёзма тавсия беришни рад этишнинг аниқ сабаблари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, хужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда, ариза берувчига бир иш куни мобайнида ёзма шаклда хабарнома юборилади (топширилади).

Бунда ариза берувчи ёзма тавсия бериш рад этилишининг сабабларини бартараф этишга ва хужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

13. Ёзма тавсия талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан ариза берувчига икки нусхада берилади.

Бир нусхаси талабгор томонидан унинг дастлабки шартномани тузиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун инжиниринг компанияси филиалига тақдим этилади. Иккинчи нусха эса талабгор томонидан доимий яшаш жойи бўйича иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризага илова қилинади.

14. Талабгорларни танлаш бўйича комиссия ёзма тавсиянинг тўғрилиги ва ўз вақтида берилиши, шунингдек, уни беришнинг асоссиз равишда рад этилиши учун жавоб беради.

15. Талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан ариза берувчига ёзма тавсия бериш кўйидаги ҳолларда рад этилади:

а) ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хужжатларнинг тўлик бўлмаган ҳолда тақдим этилиши;

б) хужжатларнинг дастурларда иштирок этиш учун ариза ва хужжатлар тақдим этилишининг охирги санаси тугагандан кейин тақдим этилиши;

в) тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

г) ариза берувчининг уй-жой шароитларини, шу жумладан унинг ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиш якунлари бўйича тузилган текшириш далолатномасида ариза берувчida уй-жой шаронтларини яхшилашга эҳтиёж йўқлиги ҳолатининг асосли кўрсатилиши.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича ёзма тавсия бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

16. Ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза кўриб чиқилмайди.

17. Ёзма тавсия бериш рад этилган ариза берувчилар ушбу Низомнинг 5-бандига мувофик ўз аризалари билан кейинги йилда мурожаат қилишга ҳаклидир.

3-боб. Талабгорларнинг аризаларини кўриб чикиш ва уларга ипотека кредити бериш

18. Талабгорларни танлаш бўйича комиссиялар дастурларда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган талабгорлар рўйхатини ҳар бир туман (шахар)да ҳар йили амалга оширилаётган дастурлар доирасида шакллантиради ва комиссиянинг баённомаси билан тасдиклаб, икки иш куни ичидаги Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлари, инжинииринг компанияси филиали ва иштирок этувчи тижорат банкларига юборади. Рўйхатда талабгорларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, шахсига оид маълумотлар, оила аъзолари сони ва бериладиган уй-жойлар аниқ кўрсатилади.

19. Ёзма тавсия берилган талабгорлар дастлабки шартномаларни тузиш учун инжинииринг компанияси филиалига мурожаат қиласади.

20. Инжинииринг компанияси филиали дастурлар доирасида уй-жойларни куриш бўйича талабгорларнинг мурожаатлари асосида белгиланган тартибда улар билан дастлабки шартномаларни тузади.

21. Инжинииринг компанияси филиали билан дастлабки шартномаларни тузган талабгорлар иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қиласади.

22. Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантлари учун ипотека кредитларини ажратиш бўйича:

а) 2020 йил дастурлари ижроси доирасида:

ипотека кредитлари бўйича имтиёзли давр I йил этиб белгиланади;
ипотека кредитидан фойдаланишининг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкасини катъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача бир меъёрда ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида белгиланади;

ипотека кредитлари фоизларини аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисоблаш тартиби татбиқ этилади (ойлик тўлов асосий қарз қолдигига ҳисобланган фоизлар бўйича тўлик тўловни ҳамда кредитнинг бир кисмини ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадики, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади);

б) 2021 йил ва кейинги йиллар дастурлари ижроси доирасида ипотека кредитлари ушбу дастурларни амалга ошириш бўйича назарда тутиладиган шартлар асосида ажратилади.

23. Ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) ёзма тавсия;

б) кредит олишнинг максади, таъминланганлиги, кредит муддати ва суммаси кўрсатилган ҳолда ипотека кредити олишга буюртманома;

в) талабгор (биргаликда қарз олувчи) нинг паспорти нусхаси;

г) дастлабки бадал жамғарма омонат ҳисобрақамига жойлаштирилгани тўғрисидаги маълумотнома;

д) инжиниринг компанияси филиали билан тузилган дастлабки шартноманинг нусхаси.

24. Иштирок этувчи тијорат банкининг филиаллари талабгорларнинг ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади.

25. Талабгорларни танлашда иштирок этувчи тијорат банкининг филиали талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан белгиланган ижтимоий устуворликни ва ёзма тавсияни эътиборга олган ҳолда талабгорларнинг кредитга лаёқатини баҳолайди.

26. Талабгорларнинг кредитга лаёқатини баҳолаш натижалари асосида иштирок этувчи тијорат банкининг филиали банкнинг унга ипотека кредити беришни маъқуллаши ёки рад этиши тўғрисидаги қарори ҳақида талабгорга ёзма равишда хабар қилади.

Ипотека кредити бериш рад этилган талабгорлар кейинги йилда талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан ёзма тавсия олганидан сўнг белгиланган тартибда ипотека кредити бериш тўғрисида ариза беришга ҳақлидир.

4-боб. Якунловчи қондалар

27. Аризани кўриб чиқиш жараёнида келиб чиқадиган низолар белгиланган тартибда суд томонидан ҳал этилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Уй-жой шароитларини яхшилашга
эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп
квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартибини тасдиқлаш
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг ёзма тавсиялари
асосида ариза берувчиларга дастурлар ижроси доирасида уй-жой ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажарниш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	<p>Ёзма тавсияни олиш учун доимий яшаш жойи бўйича талабгорларни танлаш бўйича комиссияга ариза берувчининг белгиланган ижтимой мезонларга мувоффиклигини тасдиқлайдиган хужжатларни илова килган холла сўровнома-ариза беради.</p>	<p>Белгиланган кабул қунларида</p>
2-босқич	Талабгорларни танлаш бўйича комиссия	<p>Ариза берувчининг доимий яшаш жойи бўйича аризани белгиланган талабларга мувоффиклиги юзасидан кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиш ва уй-жой шароитларини ўраганиш натижалари бўйича ариза берувчига ёзма тавсияни беради ёки беришни рад этади. Бунда:</p> <p>ёзма тавсия берилганда – ёзма тавсия икки нусхада, яъни бир нусхаси дастлабки шартномани тузиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун инжиниринг компанияси филиалига тақдим этиш учун, иккничи нусхаси яшаш жойи бўйича иштирок этувчи тијорат банкининг тегишли филиалига ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризага илова килиш учун берилади;</p> <p>ёзма тавсияни бериш рад этилганда – рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатгай холда ёзма тавсия бериш рад этилганилиги ҳакида хабардор қилинади.</p>	<p>15 иш куни ичида</p> <p>1 иш куни ичида</p> <p>1 иш куни ичида</p>
3-босқич	Талабгорларни танлаш бўйича комиссия	Дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган талабгорлар рўйхатини шакллантиради ва комиссиянинг баённомаси билан тасдиқлаб, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, инжиниринг компанияси филиали ҳамда иштирок этувчи тијорат банкларига юборади.	тасдиқланган рўйхатни 2 иш куни ичида юборади
4-босқич	Инжиниринг компанияси филиали	Инжиниринг компанияси филиали дастурлар доирасида уй-жойлар куриш бўйича талабгорларнинг аризаларини кабул килади ва кўриб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон карори билан тасдиқланган “Кишлоқ курилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой курилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган талаблар ва муддатлар асосида улар билан дастлабки шартномаларни тузади.	белгиланган муддатларда
5-босқич	Иштирок этувчи тијорат банки	Иштирок этувчи тијорат банкининг филиаллари инжиниринг компанияси филиали билан дастлабки шартномани тузган талабгорларнинг ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризаларини (<i>тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг ёзма тавсияси ишора қилинади</i>) белгиланган тартибда кўриб чиқади.	ариза берилган кундан бошлаб 15 банк кунидан ортик бўлмаган муддатда

Уй-жой шароитларини яхшилашга
эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп
квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартибини тасдиқлаш
тўғрисидаги низомга
2-илова

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг
рўйхати _____-сон (аризани рўйхатга олиш рақами кўрсатилади)

T/р	Ҳужжат тури	Ижтимоий мезонлар учун	Бор	Йўқ
1.	Ариза	барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
2.	Шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси	барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
3.	Меҳнат мигранти “labor-migration” дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтганилигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси <i>(Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаи Таиси меҳнат миграцияси агентлиги ёки унинг филиаллари томонидан берилади)</i>	барча мезонлар		
4.	Солик тўловчининг идентификация рақами нусхаси (СТИР)	барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
5.	Оила аъзоларининг паспортлари ва никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (<i>тўлиқ оила ва никоҳ ҳамда вояга етган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда</i>) ва/ёки фарзандлар тутилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (<i>вояга етмаган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда</i>) нусхалари	барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
6.	Уй-жой шароитини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигранти томонидан охирги Зой давомида унинг оила аъзолари номига юборилган пул ўтказмалари миқдори тўғрисида маълумотнома (<i>бунга хорижий давлатдан валюта кириб келганлигини тасдиқловчи ҳужжат – декларация, ҳалқаро пул ўтказмалари орқати келган маблагнинг банк томонидан берилган тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлади</i>)	барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
7.	Доимий прописка қилинган турар жойдан кадастр ҳужжатининг нусхаси (<i>агар турар жойи доимий прописка қилинган турар жойи билан тўғри келса</i>)	Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш тартиби тўғрисида низомнинг (кейинги ўринларда Низом деб аталади) 10-банди “а” ва «ж» кичик бандларида кўрсатилган мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

8.	Доимий прописка жойидан уй дафтарининг ёки квартиралар бўйича карточканинг (17-шакл) нусхаси (<i>агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса</i>)	барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
9.	Ижара ёки турар жойдан текинга фойдаланиш тўғрисидаги шартнома ёки туман (шахар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотномасининг нусхаси (<i>ариза берувчининг мулк ҳуҷуқи асосида турар жойи бўлмаган ҳолатда</i>)	Низомнинг 10-банди “а” кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
10.	Ногиронлик гурухи кўрсатилган пенсия гувоҳномаси, ушбу хужжат мавжуд бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Соглиқни саклаш вазирлигининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясидаги тумаи (туманлараро) тиббий-мехнат эксперт комиссияси (ТМЭК) маълумотномасининг нусхаси (<i>оила аъзолари орасида биринчи гурух ногирони мавжуд бўлган ҳолатда</i>)	Низомнинг 10-банди “е” кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
11.	Турар жойи бўйича туман даволаш-профилактика муассасасининг врачлик-маслаҳат комиссияси (ВМК) маълумотномаси ёки ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларига чалинган ва Ўзбекистон Республикаси Соглиқни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга муҳтоҷ бўлган шахснинг мавжудлиги тўғрисида тумаи (туманлараро) ТМЭК маълумотномаси	Низомнинг 10-банди “д” кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Хужжатларни қабул килди:

Сана: 20 йил _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Уй-жой шароитларини яхшилашга
эхтиёжманд мөхнат мигрантларига күп
квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартибини тасдиқлаш
түгрисидаги низомга
З-илова

СҮРОВНОМА-АРИЗА

Ариза № -----

Кабул қилиш санаси -----

Аризани кабул килган шахс -----

1. _____
(Ф.И.О)

2. Манзил: _____
(ахоли пункті)

(туманы)

(вилойти)

3. Тұғилған санаси
____ / ____ / ____

4. Солик тұловчининг идентификация рақами (СТИР)

5. Ойлавиін ахволи
_____ оила курган
_____ оила курмаган
_____ ажраштан
_____ бева

6. Асосий фаолият тури (бандлық):

7. Хар ойлик даромад міндори:

8. Оила аъзоларингизин уларнинг ёшни
күрсатған ҳолда салаб ўтинг:
1. ___, ёш: ____
2. ___, ёш: ____
3. ___, ёш: ____
4. ___, ёш: ____
5. ___, ёш: ____
6. ___, ёш: ____

9. Күйндеги шаҳелар Сизнинг ойланғызыда
яшайдими? Агар яшаса, сонын күрсатинг:

10. Ҳозирги вактда ойланнанға бир аъзосынга түғри
келадиган турар жой майдони:

1. Биринчи гурух ногирони — ____ киши
2. Сурункали касалліктернің оғир турларига
чалингандар — ____ киши
3. Оғир ногиронларда олиб келувчи касаллікка
чалингандар — ____ киши

11. Сизнинг ҳозирғы турар-жойнингизнінг
хукукий мәкоми:
мулк
ижара
текин фойдаланиш

12. Қайси турдаги арzon уй-жойдан олмоқчисиз?

13. Сизнинг боғланиш учун маълумотларингиз?

уй тел: _____
иш тел: _____
уяли тел: _____
эл.почта _____

Мен кишлоқда/шаҳарда арzon уй-жойлар қуриш бүйіча мақсадлы давлат дастурлари донрасыда уй-жой олишдан манбаатдорларды билдираман ва юкорида
күрсатылған маълумотларнинг ҳақиқиyyеттілігін тасдиқтайман. Паспорт ва ижтимоий мезонларга мувоғиғлигини тасдиқловчы ҳужжатлар нұсқалари иловада кишинады.

(имзо)

(кун)

(ой)

(йил)

Уй-жой шароитларини яхшилашга
эхтиёжманд меңнат мигрантларига кўп
квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартибини тасдиклаш
тўгрисидағи низомга
4-илова

Уй-жой шароитларини яхшилашга эхтиёжманд мөннат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларидан аризаларни рўйхатга олниш **ЖУРНАЛИ**

БОШЛАНИШИ: 20 йил

Уй-жой шароитларини яхшилашга
эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп
квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартибини тасдиқлаш
тўғрисидаги низомга
5-илова

**Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларининг
ижтимоий устуворлигини белгилашнинг
ИЖТИМОИЙ МЕЗОНЛАРИ**

T/р	Ижтимоий мезонлар	Балл	Асос
1.	Ариза берувчи оиласининг бир аъзосига тўғри келадиган жами ҳар ойлик даромад (базавий ҳисоблаш микдори – БҲМ)		Иш жойидан маълумотнома ва/ёки солик декларацияси
	БҲМнинг 1,5 бараваридан кам	10	
	БҲМнинг 1,5дан 2,5 бараваригача	5	
	БҲМнинг 2,5дан 3 бараваригача	3	
	БҲМнинг 3 бараваридан кўп	0	
2.	Ариза берувчи яшаётган уй хўжалигига бир кишига тўғри келадиган турар жойининг умумий майдони		Кадастр ишининг нусхаси ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг далолатнома асосидаги текширув натижалари
	16 кв.метрдан кам	10	
	16 – 20 кв. метр	6	
	20 кв.метрдан кўп	2	
3.	Хорижда вақтнинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган, оиласа ёлғиз ўзи вояга етмаган фарзандларни тарбия килаётган эркак ёки аёл	10	Паспорт ва қонун хужжатларига мувофиқ тасдиқловчи хужжатлар асосида тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
4.	Оиласа қўйидаги шахслар мавжудлиги:		Паспорт ва қонун хужжатларига мувофиқ тасдиқловчи хужжатлар асосида тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
	биринчи гурух ногирони	10	
	сурункали касалликнинг оғир турларига чалингандар	10	
	оғир ногиронликка олнб келувчи касалликка чалингандар	10	
5.	Ариза берувчи ёлғиз бокувчига эга оила вакили ёки оила боши – эркак ёки аёл	10	Паспорт ва қонун хужжатларига мувофиқ тасдиқловчи хужжатлар асосида тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
6.	Хозиргина турар жой мақоми:		Конун хужжатларига мувофиқ тасдиқловчи хужжатлар асосида тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
	ижара	10	
	эгасининг рухсати билан текин турар жой	6	
	тўлиқ ўз мулкида	2	
	Энг юкори балл	80	

Уй-жой шароитларини яхшилашга
эхтиёжманд мекнат мигрантларига
кўл квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартибини тасдиқлаш
тўғрисидаги низомга
6-илова

**Ариза берувчининг уй-жой шароитларини текшириш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 ____ йил “ ____ ”

talabgorlarни танлаш бўйича комиссияси
куйидаги таркибда

(комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

(дача, массив) _____ кўчаси, _____ -уй, _____ -корпuse,

квартирада яшаётган фуқаро _____

(Ф.И.О.)

тураг жой шароитларини текширувдан ўтказди ва қуйидагиларни аниқлади:

1. _____ уйда эгаллаб турилган
тураг жойнинг _____ умумий майдони _____ кв.м яшаш майдони _____ кв.м
хоналардан иборат.

Ҳар бир хонанинг ўлчами _____ кв. м
_____ кв. м
_____ кв. м

қаватли уйнинг _____ қаватида _____ хоналар.

Уй _____
(гишт, панель, ёроч, эски, авария ҳолатида)

Хоналар _____
(курук, зах, ёруг, коронги)

Квартира _____
(алоҳида, коммунал)

2. Уй-жойнинг (тураг жойнинг) ободонлаштирилиши: _____

(сув таъминоти, канализация, иситиш (марказий, печь билан), пардоз берилган, иссик сув, ванна, телефон)

3. _____
(Ф.И.О.) (тураг жойни ижарага олувчи, уй эгаси (кераклисининг тагига чизилсин))

4. Ушбу турар жой майдонида яшовчилар:

т/р	Ф.И.О.	Түғилган сааты	Қариндошлик муносабатлари	Бандлиги (фаолият тури)	Ногироилик турухи/ сурекали касаллигининг даражаси
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					

5. Оила моддий ҳолатининг даражаси (паст, ўрта, юқори) ва бундай баҳоланишининг сабаблари:

6. Туар жойининг яшаш учун яроксизлиги сабаблари:

7. Комиссия хулосаси:

Комиссия аъзоларининг имзолари:

1.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)
2.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)
3.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)
4.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)
5.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)
6.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)
7.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)
8.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)
9.	_____	(имзо)	_____	(лавозими)

Ариза берувчи: _____
(имзо)

(Ф.И.О.)

20 ____ йил “ ____ ”

Уй-жой шароитларини яхшилашга
эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп
квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартибини тасдиқлаш
тўғрисидаги низомга
7-илова

“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ (ёки “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК” МЧЖ)
ва иштирок этувчи тижорат банкининг филиалларига тақдим этиш учун уй-жой
шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига уй-жой шароитларини
яхшилашга эҳтиёжи мавжудлиги тўғрисида _____ туман (шаҳар)
хокимлиги хузуридаги талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг

ЁЗМА ТАВСИЯСИ

№ _____

Максадли давлат дастур доирасида арzon уй-жой қуриш учун “Қишлоқ қурилиш
инвест” ИК” МЧЖ (ёки “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК” МЧЖ) билан дастлабки
шартномани тузиш ва иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалида ипотека
кредити олиш учун _____

(доимий яшаш жойининг маъзили кўрсатилади)

маъзилида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (талабор)
_____ га берилди.
(Ф.И.О.)

Ушбу тавсия _____ туман (шаҳар) хокимлиги хузуридаги талабгорларни
танлаш бўйича комиссия томонидан тузилган 20 ____ йил “____” _____ даги ____-сон
Ариза берувчининг уй-жой шароитларини текшириш далолатномасига мувофик берилди.

Буида, _____
(талаборининг Ф.И.О.)

қўйидаги ижтимоий мезонларга мувофиклиги ишобатга олинган:

- 1) _____ ;
2) _____ ;
3) _____

(Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар
ажратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги низомнинг 10-бандида назарда тутилган ижтимоий
мезонлар кўрсатилади)

Ушбу ёзма тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вактинчалик
меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг
оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”
2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон Фармони ва Уй-жой шароитларини яхшилашга
эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш
тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги низомга мувофик берилди.

Комиссия раиси _____
(имзо/мухр) _____ (Ф.И.О.)

Комиссия котиби _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

20 ____ йил “____” _____
(берилган сана)

